



Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларға бундай  
фаолиятни йўлга кўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган  
“Коучинг” видео материалларни тайёрлаш юзасидан

**ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАСИ АСОСИДА ЭНГ ЯХШИ  
ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

Xh

## **I боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1.1-иловага мувофик) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали очик тарзда ўтказилади.

**Давлат буюртмачиси:** Ёшлар ишлари агентлиги (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмети:** мазкур харид қилиш хужжатларини 1.2-иловасида кўрсатилган нарх ва техник талаблар топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи товар, иш хизмат микдори кўрсатилади.

**Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:** жами суммаси 900 000 000 (тўқиз юз миллион) сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати жорий йил якуни – 31.12.2022 йилга қадар.

**Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** Бюджет маблағлари хисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

**Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз микдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва мазкур харид қилиш хужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи товар, иш хизматлар бажарилгандан сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

**Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** *Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 11А-үй.*

**Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** *Ишлар бошкармаси бошлиги М.Табибулаев;* тел. (99) 110-86-86

**Манзили:** *Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, А.Навоий кўчаси, 11А-үй.*

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вакт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар қабул қилинади.

**Иштирокчиларга нисбатан кўшимча талаблар:**

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади.

### **II боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

Танловда талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезидентлари иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказади ва унинг натижаларини хисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қиласди.

Дастлабки малака танлови харид қилиш хужжатларини 1.3-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини Харид комиссияси кўриб чиқмаслик ва баҳоламаслик хукукига эга.

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:**

таклифларни таъминлаш учун закалат маблағлари тўлиқ микдорда ўтказилганлиги;  
техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;

техник топширикка доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги;

ўз вактида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солик режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк хисобракамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳакли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.

Тасвирга олиш ишларида иштирок этувчи таникли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг мазкур лойихада қатнашиши бўйича иштирокчи томонидан розилиги олинган бўлиши лозим.

Ушбу шарт бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, танланган тадбиркорлар ва бизнес тренерлар Буюртмачи томонидан кўзланган мақсад ва вазифалар моҳиятини очиб беришга тўла ёки қисман мос бўлмаган, танланган қаҳрамонларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи муносиб даражада бўлмаган тақдирда иштирокчининг таклифи харид комиссияси томонидан рад этилади.

Тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг лойихада иштироки юзасидан сарф-харажатлар иштирокчи томонидан қопланади, иштирокчи танлов якунига кўра голиб деб топилмагандага мазкур харажатлар буюртмачи томонидан қоплаб берилмайди.

Буюртмачи тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг тасвирга олиш жараёнида қатнашувини таъминлаш мажбуриятини олмайди.

Иштирокчи томонидан тақдим қилинган рўйхатдаги шахслар Буюртмачи томонидан лойиҳанинг имиджи, кўзланган мақсадларга муносиблиги хамда машҳурлик даражасидан келиб чиқиб уларнинг сонига, таркибига ўзgartириш, кўшимча киритилиши талаб қилиниши, рўйхатдаги машҳур шахсларнинг жамиятдаги тутган ўрни, мавқеига караб рад қилиниши мумкин.

Мазкур талаблар иштирокчи томонидан кисман ёки тўлиқ бажарилмаган, рад этилганда ёки эътиборсиз қолдирилганда иштирокчи танловдан четлатилади. Шунингдек, рўйхатдаги машҳур шахсларнинг лойиҳада иштирокчи юзасидан розилиги бўйича Буюртмачи томонидан иштирокчидан кўшимча маълумотлар талаб қилиниши мумкин.

Иштирокчилар танловда катнашиш учун тақдим этиладиган хужжатлар жамланмасида тасвирга олинадган “коучинг” видео материалларнинг мавзуси, спикерлари ҳамда мазкур шахсларнинг тасвирга олишда катнашуви бўйича розилигини тасдиқловчи маълумотлар ва тасвирга олиш график режасини тақдим этиши лозим;

Иштирокчи томонидан аналог кўринишдаги хизмат кўрсатиш тажрибаси (марказий давлат ва/ёки нодавлат телеканалларида эфирга берилган, ёшлар тадбиркорлигига оид мотивацион видеороликлар, оммавий мотивацион, ўкув тадбирлари, онлайн ва оффлайн кўринишдаги ўкувлар ва х.к) кўрсатилиши лозим.

### **III боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби**

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва хужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек тили устунликка эга бўлади.

Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш хужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичida тақдим этади.

Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- фақат битта таклиф беришга ҳакли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига кадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳакли.

Таклиф куйидаги қисмлардан ташкил топади:

- 1) дастлабки малака танловидан ўтиш учун зарур маълумотлар;
- 2) буюртмачининг техник топшириғига мос келувчи иштирокчининг таклифи

Танлаш таклифида куйидаги хужжатлар бўлиши керак:

Хизмат кўрсатувчи томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси;

Танлашнинг нарх бўйича таклифи 1.10-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади.

Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари учун жавобгар ҳисобланади.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳакли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартаришга йўл кўйилмайди.

Харид қилиш хужжатларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

#### **IV боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби**

Харид комиссияси закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг таклифлари томонидан кўриб чиқмаслик ва баҳоламаслик хуқуқига эга.

Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчининг таклифи харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл кўйилмайди.

Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати танлаш ўтказиш муддати тугаган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда тақкослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган боскичида танлашда иштирок этишдан четлатишига ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қилиш хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил эксперктлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гурӯх тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахассислар иштирокидаги ишчи гурӯхи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гурӯхи томонидан баҳолангандаги харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисбот тақдим этилади.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш хужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш хужжатларини 1.11-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди

Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқмайди ва баҳоланмайди.

Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш хужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

Харид комиссияси иштирокчиларни нарх тақлифини харид қилиш хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш хужжатарини 1.12-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди.

Танлашда техник ва нарх тақлифларини баҳолаш натижаларига кўра харид қилиш хужжатларида ва тақлифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини тақлиф килган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва тақлифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг тақлифидан кейинги энг мақбул тақлифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган холда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳакидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат

харидларининг электрон тизимида мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буортмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буортмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган мухокама натижалари тўғрисидаги аҳборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси шакиллантирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниклангандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлик бажарилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолибни аниклаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

**V боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби**

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аникланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш хужжатларини 1.14-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

## **VI боб. Намунавий хужжатлар шакли ва шартнома лойиҳаси**

Харид килиш  
хужжатларига 1.1-илова

**Ёшлар ишлари агентлиги энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тўғрисидаги  
ЭЪЛОН**

**Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

**Давлат буюртмачиси:** Ёшлар ишлари агентлиги (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмети:** мазкур харид қилиш хужжатларини 1.2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи товар, иш хизмат микдори кўрсатилади.

**Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:** жами суммаси 900 000 000 (тўккиз юз миллион) сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати жорий йилнинг охирига қадар – 31.12.2022 йилга қадар.

**Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** бюджет маблағлари хисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

**Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз микдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва мазкур харид қилиш хужжатларин 2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи товар, иш хизматлар бажарилгандан сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

**Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кӯчаси, 11A-үй.

**Буюргачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** Ишлар бошқармаси бошлиги М.Табибулаев;, тел. (99) 110-86-86

**Манзили:** Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кӯчаси, 11A-үй.

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

**Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади

## Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир кисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказади. Танлашнинг кейинги боскичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Малака хужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш хужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган хужжатларининг тўликлиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганилади.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар;

иштирокчиларнинг инсофисиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган кўшилган қиймат солиғи микдорини камайтириш хукуқини сунистеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йигилишида кўриб чикилади.

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чикади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисботлари, шунингдек соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солик режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисбракамлари рўйхатдан ўтганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис хужжатлари ва фаолиятининг конунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур хужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- закалат маблагларини тўлиқ микдорда ўтказиб берган иштирокчилар (харид қилиш хужжатларига мувофиқ талаб килинганда);

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофисиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор килиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур худудларда банк хисобрақмлари очган иштирокчилар;

- соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид килиш хужжатларининг 1.8-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор киласи.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди.

**Малака хужжатларининг  
РЎЙХАТИ**

1. Давлат ижтимоий буюртмаси танловида иштирок этиш учун ёзилган аризаталабнома намунаси (1.5-илова).
  2. Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини мухри билан тасдиқланган нусхаси.
  3. Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топширикномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш хужжатларига мувофик талаб қилинганда).
  4. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари (1.6-илова).
  5. Дастребаки малака танловини ўтказишга ТАЛАБНОМА (1.7-илова).
  6. Молиявий хисоботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солик органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);
  7. Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсими (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи хужжатлар;
  8. Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади.
  9. Соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солик инспекциясининг маълумотномаси.
  10. Малакавий баҳолаш мезонлари (1.8-илова).
  11. Танлаш бўйича харид комиссияси номига ариза намунаси (1.9-илова).
  12. Нарх тақлифи намунаси (1.10-илова).
  13. Таклифнинг бадий техник қисмини баҳолаш мезонлари (1.11-илова).
  14. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш мезонлари (1.12-илова).
  10. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (1.13-илова).
- \* *Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва хужжатларни тақдим этиши мумкин.*

**Давлат ижтимоий буюртмаси танловида иштирок этиш учун**

**НИНГ**

(ташкилот номи)

**АРИЗА (ТАЛАБНОМА)СИ**

<b>1. ЛОЙИХАНИНГ ТИТУЛ ВАРАГИ</b>	
1.1. Ариза юборилаётган танловнинг мавзуси	
1.2. Танловнинг йўналиши	
1.3. Лойиҳанинг номи	
1.4. Ариза тақдим этган ташкилотнинг номи ( <i>Давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга мувофиқ</i> )	
1.5. Давлат рўйхатидан ўтказилган сана ( <i>кун, ой, йил</i> ) ва гувоҳнома рақами	
1.6. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилган ташкилий-хуқуқий шакли	
1.7. Фаолият худуди ( <i>Давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга мувофиқ</i> )	
1.8. Тарабгор ташкилотнинг реквизитлари ( <i>юридик ва почта манзили, телефон, факс, веб-сайт, электрон манзили ва бошқалар</i> )	
1.9. Ташкилот раҳбарининг Ф.И.Ш. ва алоқа боғланиш маълумотлари ( <i>манзили, электрон почта (э-маил) манзили, телефон коди албатта кўрсатилиши лозим</i> )	
1.10. Ташкилот бухгалтерининг Ф.И.Ш. ва алоқа боғланиш маълумотлари ( <i>манзили, электрон почта манзили, телефон коди албатта кўрсатилиши лозим</i> )	
1.11. Ташкилотнинг тасдиқланган штат жадвалидаги ходимлар сони	
1.12. Лойиҳани амалга ошириш муддати ( <i>бошланиши санаси – тугаш санаси</i> )	
1.13. Сўралаётган маблағ миқдори ( <i>сўмда</i> )	
1.14. Жалб қилинадиган маблагларнинг миқдори ( <i>сўмда</i> )	
1.15. Лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган ходимлар сони	
1.16. Лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган волонтёрлар сони	
<b>2. ЛОЙИХАНИНГ МАЗМУНИ</b>	
2.1. Муаммонинг қўйилиши ва унинг долзарблиги ( <i>мавжуд ижтимоий муаммо, унинг аҳамияти ва лойиҳани амалга ошириш долзарблигини баён этиши, бир варакдан ортиқ бўлмаслиги лозим</i> )	
2.2. Лойиҳанинг мақсади ( <i>loyixa natiжасида эришадиган асосий мақсад</i> )	
2.3. Лойиҳанинг асосий вазифалари ( <i>loyixa natiжасида эришадиган асосий мақсадга эришини учун асосий вазифалар</i> )	
2.4. Лойиҳани амалга ошириш шакли ва механизmlари ( <i>loyixa natiжасида эришадиган асосий мақсадга ошириш тартиби, медиа режаси, юзага келиши мумкин бўлган хавф (risk) назорат режаси</i> )	
2.5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар ( <i>loyixa natiжасида эришадиган асосий мақсадга ошириш тартиби, медиа режаси, юзага келиши мумкин бўлган хавф (risk) назорат режаси</i> )	
2.6. Ариза берувчининг мазкур соҳадаги тажрибаси ( <i>тарабгор ва жамоа аъзоларининг фаолияти, ютуқлари ва лойиҳадаги вазифалари</i> )	
2.7. Ҳамкорлар ва уларнинг вазифалари ( <i>агар мавжуд бўлса, тарабгор ташкилотнинг лойиҳа доирасидаги ҳамкорлари ҳамда уларнинг вазифалари акс этишилган ҳаракат режаси</i> )	
2.8. Ташкилот ва ҳамкорларнинг кўшган хиссаси ( <i>жалб этилаётган маблаглар, ресурслар, ташкилот ва ҳамкорларнинг моддий ва номоддий ҳиссаси</i> )	

3. ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ БЮДЖЕТИ (ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ) (шун жумладан, мавжуд күшимча молиялаштириши манбалари (сўмда, тисқартиргаган ҳолда))											
T/р	Харажатлар номи	Микдори	Нархи (1 дона)	Жами суммаси	Ўз (хамкорлар) маблағлари хисобидан	Ижтимоий буортма маблағлари хисобидан					
<b>I. Иш хақи ва унга тенглаштирилган (консултатив хизмат ва ҳоказо) харажатлар</b>											
1.1											
<b>Жами:</b>											
<b>II. Тадбирлар ўтказиш учун харажатлар</b>											
2.1											
<b>Жами:</b>											
<b>III. Моддий-техник базани (ускуна, техника, обект ва ҳкз.) мустаҳкамлаш учун харажатлар</b>											
3.1											
<b>Жами:</b>											
<b>IV. Ўкув-услубий, промо материалларини ҳарид қилиш, реклама учун харажатлар</b>											
4.1											
<b>Жами:</b>											
<b>V. Бошқа (хизмат сафари, алоқа, банк ва ҳкз.) харажатлар</b>											
5.1											
<b>Жами:</b>											
<b>ЖАМИ (И+ИИ+ИИИ+ИВ+В)</b>											
4. ЛОЙИХАНИНГ КАЛЕНДАР РЕЖАСИ (вақт муддати кетма-кетлигига)											
T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми		Муддати (сана, ой, йил / оралик)	Харажатлар микдори						
1.											
2.											
3.											
5. ЛОЙИХАНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ (мажбурият даражаси кетма-кетлигига)											
T/р	Ф.И.О.	Лойихадаги лавозими	Алоқа (тел.) маълумоти	Лойихадаги вазифалари							
1.			+998 ...								
2.											
3.											
6. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР (ташкилот ҳақида қўшимча маълумот)											
1.	Давлат солик инспекциясининг аризачининг солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумоти (маълумотнома нусхасини илова қилинади)										
2.	Ўрта ва йирик давлат грантлари бўйича хисоб рақамидаги охирги 1 йиллик пул айланмалари ҳақидаги маълумот (маълумотнома нусхасини илова қилинади)										
3.	Агар давлат ижтимоий буортмаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳсус рухсатнома талаб этилса, лицензия нусхаси илова килинади.										
4.	Ташкилот ОАВ (оммавий ахборот воситаси) сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот										

	агентлигидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини илова қилинади.	
5.	Банк реквизитлари ( <i>ҳисоб рақами, МФО, ИНН, ОКОНХ, банк номи, банк манзили ва телефон рақами</i> )	
6.	Амалга оширилган лойихалар ( <i>талабгор ташкилот муқаддам танловларда голиб бўлиб, қўлга киритган давлат иқтисодий кўмаги сони ва номи кўрсатилади</i> )	

## 7. ЎЗИНИ-ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЎЗИГА-ЎЗИ БАҲО БЕРИШ (узини-ўзи аудит қилиши)

1.	Лойиха қайта топширилаётган бўлса, нима сабабдан қайта топширилаётгани ҳакида асосли маълумот	
2.	Лойиха доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг сифат назорат режаси, самарадорлигини баҳолаш режаси	
3.	Лойиха доирасида харажатларнинг асослилиги ва нархларнинг реаллигини тасдиқловчи қўшимча маълумотлар ( <i>шартнома, инвойс, бошқа ташкилотларнинг тижорат таклифлари</i> )	

## 8. ЛОЙИХАНИНГ ЯКУНИЙ ҚИСМИ

**Танлов низоми билан танишдим, аризадаги барча маълумотлар тўғрилигига кафолат бераман:**

*Ташкилотнинг тўлиқ номи ва лавозим номи*

*Имзо, ташкилот муҳри*

*Ариза берган ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.*

*Сана*

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкилотнинг номи кўрсатилади):

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз иштирокчилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Рахбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

М.У.

**Дастлабки малака танловини ўтказишга  
ТАЛАБНОМА**

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
<b>1. Умумий маълумот</b>	
Юридик шахснинг тўлиқ номи	
Ташкилий-хукукий шакли	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди	
Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин)	
ИФУТ (агар кўллаш мумкин бўлса)	
Мақоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа)	
Веб-сайти	
Электрон алоқа манзили	
<b>2. Юридик манзил</b>	
Мамлакат, худуд/вилоят, туман, шахар/аҳоли пункти, почта индекси, кўча уй	
<b>3. Ҳакиқий манзил</b>	
Мамлакат, худуд/вилоят, туман, шахар/аҳоли пункти, почта индекси, кўча уй	
<b>4. Банк реквизитлари</b>	
Асосий x/p, валюта x/p	
МФО / Банк коди	
Банк номи	
Банк манзили	
<b>5. Қўшимча маълумотлар</b>	
Бажарган ишларини кўрсатган ҳолда фаолиятини тавсифлаш	
Ходимларнинг умумий сони	
Устав капиталининг киймати	
<b>6. Талабгор тажрибаси тўғрисида маълумот</b>	
Иштирокчи томонидан аналог кўринишдаги хизмат кўрсатиш тажрибаси	

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

(муҳр)

Харид килиш  
хужжатларига 1.8-илова

**Малакавий баҳолаш мезонлари**

Малакавий баҳолаш харид комиссияси томонидан танлаш бошлангунга қадар амалга оширилади. Агар талаб этилган ахборот иштирокчи томонидан тақдим этилмаса, харид комиссияси иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлашга ҳақли.

<b>№</b>	<b>Мезонлар</b>	<b>Баҳолаш</b>	<b>Эслатмалар</b>
1	Олдин тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганини, қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик боскичидалини, суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида эканлиги, виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжудлиги	Ҳа/йўқ (иштирокчининг кафолат хати асосида амалга оширилади)	Агар ҳа бўлса, Харид комиссияси иштирокчини дисквалификация килиш хуқуқига эга
2	Иштирокчининг молиявий кўрсаткичлари тақдимоти	Бор/йўқ	Йўқ бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация килиш хуқуқига эга
3	Иштирокчи ва унга хизмат кўрсатувчи банкнинг оффшор худудларда рўйхатдан ўтганлик	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, Харид комиссияси иштирокчини дисквалификация килиш хуқуқига эга.
4	Солик ва бошка мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги	Мавжуд/мавжуд эмас (иштирокчининг кафолат хати ва тақдим этилган маълумотлар асосида баҳоланади)	Мавжуд бўлса Харид комиссияси иштирокчини дисквалификация килиш хуқуқига эга.
5	Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур танлашда иштирок этмаётганлиги ва харид комиссиясининг аъзолари ўртасида аффилланганликнинг мавжудлиги	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, Харид комиссияси иштирокчини дисквалификация килиш хуқуқига эга.
6	Нарх таклифи		Энг юқори нарх чегарасидан баланд таклифлар қабул қилинмайди
7	Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатининг мавжудлиги	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлмаса Харид комиссияси иштирокчини дисквалификация килиш хуқуқига эга..

№ \_\_\_\_\_ -лот

Харид комиссияси

### АРИЗА

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харида харид қилиш хужжатларига мувофиқ товар етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамиз.

Шу муносабат билан ташки конвертда қуйида келтирилган хужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Малака хужжатлари варакда (*брошюра, буклетлар тақдим этилганда вараклар сони, компакт дисклар тақдим этилганда уларнинг сони кўрсатилади*);
2. Таклиф;
3. Бошқа хужжатлар (*бошқа хужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва вараклари сонини кўрсатиш талаб этилади*).
4. Коррупция кўринишларига йўл кўймаслик бўйича ариза.

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон раками: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

Рахбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

М.У.

## НАРХ ТАКЛИФИ

(Харид предметини номи күрсатилади)

Сана: (танлаш таклифи берилган сана күрсатилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, харид қилиш хужжатларини ўрганиб чикиб, маҳсулотни ишлаб чикиш (етказиб бериш) жараённанда ечимини топиши керак бўлган муаммолар билан танишиб чиққанлигимизни маълум қиласмиш.

Барча талабларни ўрганиб чикиб, маҳсулотларни қуйида келтирилган танлаш шартларига асосан етказиб беришни таклиф этамиш:

- тўлов шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) муддатлари- \_\_\_\_\_;

Етказиб бериладиган товарнинг (бажариладиган ишларнинг, кўрсатиладиган хизматларнинг) умумий қиймати (танлаш таклифининг умумий қиймати сон билан ва ёзма кўринишида ҳамда тўловнинг валюта шакли кўрсатилган ҳолда бўлади) ташкил этади ва танлаш таклифининг ажралмас кисми бўлган нархлар жадвалида акс эттирилади.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб, 90 кун давомида мазкур таклиф тартибига амал қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатиб ўтилган муддат тугагунига қадар исталган вактда қабул қилиниши мумкин. Биз харид комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки баҳолашнинг энг яхши кўрсаткичлари ва мезонларига асосланиб қарор қабул қилишини яхши тушунамиз.

Сана: « \_\_\_\_ » 202 г.

Рахбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва имзоси

М.У.

Харид қилиш  
хужжатларига 1.11-илова

**Таклифининг бадий техник қисмини баҳолаш мезонлари (макс 60 балл)**

Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш танлашнинг бадий техник қисми таклифларига оид хужжатлари асосида амалга оширилади.

Ушбу кўрсаткичлар харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.

№	Баҳолаш параметрлар	Изоҳ
<b>I. Техник маълумотлар (5 балл)</b>		
1	Тасвирга олиш ресурсларининг минимал техник талабларга жавоб бера олиши	Максимал 5 балл
<b>II. Иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (45 балл)</b>		
1.	Спикерларнинг тадбиркорлик бўйича билим ва тажрибаси, соҳада муваффакиятга эришган ҳамда ёшлар орасида катта ҳурматга сазовор эканлиги	Максимал 9 балл
2	Иштирокчи томонидан аналог қўринишдаги хизмат қўрсатиш тажрибаси	Максимал 9 балл
3	Иштирокчи томонидан тақдим килинган рўйхатдаги тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг жамиятдаги мавқеи, даражаси, ижтимоий тармоқларда аудиторияси	Максимал 9 балл
4	Танланган тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг лойихада иштирокини таъминлашни тасдиқловчи маълумот ва уларнинг соҳадаги семинар-тренинг, маҳорат дарсларида спикер сифатида иштирок этиш тажрибаси	Максимал 9 балл
5	Тақдим килинган коучинг мавзуларнинг танлов хужжатларида келтирилган минимал талабларга мослиги, уларнинг долзаблиги	Максимал 9 балл
<b>III. Молиявий ҳисоботлар (5 балл)</b>		
1.	Молиявий ҳисоботлар	Максимал 5 балл
<b>IV. Тайёр маҳсулотни етказиш муддати (5 балл)</b>		
1.	Муддат	Максимал 5 балл

Харид қилиш  
хужжатларига 1.12-илова

**Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш (макс 40 балл)**

Нарх жиҳатдан баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Энг паст нарх	Энг юкори – 40 балл Энг паст – 0 балл Энг паст нарх энг юкори баҳоланади. Энг юкори нарх энг паст баҳоланади.	Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг нархига қараб шакллантирилади.

Харид қилиш  
хужжатларига 1.13-илова

№: \_\_\_\_\_ Санаси: \_\_\_\_\_

Харид комиссияси

## КОРРУПЦИЯ КҮРИНИШЛАРИГА ЙҮЛ ҚҮЙМАСЛИК БҮЙИЧА АРИЗА

Мен,

(харид тартиб-таомили  
иштирокчисининг номи кўрсатилади)

товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар  
турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат  
харидида коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг кўйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун  
хужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай хатти-харакатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг  
манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш максадида қонунга хилоф равишда  
фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш хужжатларини қонунчиликка зид тартибда  
расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга  
oshiриш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф  
қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита  
пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўкнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда  
қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Рахбарнинг Ф.И.Ш.:\_\_\_\_\_

Телефон/факс рақами:\_\_\_\_\_

Электрон почта манзили:\_\_\_\_\_

Имзо:

М.Ў.

Харид килиш  
хужжатларига 1.14-илова

Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай  
фаолиятни йўлга қўйишиниг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Коучинг”  
видео материалларни тайёрлаш бўйича  
— сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2022 йил «\_\_\_»

Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юриталади) номидан  
Низом асосида иш юритувчи, ижро этувчи директори А.Саъдуллаев бир томондан ва  
\_\_\_\_\_ (куйида матнда “Ижрочи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш  
юритувчи унинг раҳбари \_\_\_\_\_, иккинчи томондан, Ёшларга бизнес билан  
шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишининг  
амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш  
(кейинги ўринларда – Лойиха деб юритилади) ишлари бажаришга доир мазкур шартномани  
тузуб имзоладилар.

**1. Шартнома предмети**

1.1. “Ижрочи” мазкур шартноманинг 1-иловасига мувофиқ техник ишлар бўйича  
ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” эса хизматларни кабул килиб олиш ва бажарилган ишлар ҳамда  
кўрсатилган хизмат турлари учун тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати (*Танлов комиссиясининг 2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -  
сон баённомасига асосан*) \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

**2. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

2.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”га:

шартнома бўйича лойиха қийматининг **30** фоизи \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм  
микдорида маблагни олдиндан ўтказиб беради;

шартноманинг 1-иловаси бўйича ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг лойиха қийматининг  
қолган **70** фоизи \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни 10 (үн) иш кун ичida амалга  
оширади.

2.2. Тўлов “Буюртмачи” томонидан давлат бюджетидан ажратилган маблаглар  
ҳисобидан амалга оширилади.

**3. Ишларни бажариш муддати**

3.1. “Ижрочи” ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб  
бажаришга киришади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича электрон ҳужжат алмасинув тизимини ишлаб чиқиш  
муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 2-иловага мувофиқ 2022-йилнинг 31-декабрига  
қадар этиб белгиланди.

**4. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари**

4.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб қучга киради.

4.2. Шартномани амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ йилгacha.

**5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Шартнома ҳақини тўлашни талаб қилиш.

5.1.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишини талаб қилиш.

5.1.3. Лойихага оид таклифлар бериш ва “Буюртмачи”дан якуний карорларни талаб  
қилиш.

5.1.4. Видео материалларни яратиш доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз  
кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилган  
холда амалга ошириш.

5.2. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

5.2.1. Ижрочи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради.

5.2.2. Мазкур шартноманинг 1-иловада кўзда тутилган иш ҳажмларини ўз вақтида

тўлиқ ва сифатли қилиб бажариши ҳамда бажарилган ишларни хисоб-фактурасида кўрсатиши лозим.

5.2.3. Шартнома тасдиқланган иловага мувофиқ видео материалларни белгиланган вақтда тўлиқ ва сифатли топширади.

5.2.4. Барча ишларни мазкур шартномада ва унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилиб белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

5.2.5. “Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ бажарилган ишлар юзасидан хисоб-фактурасини “Буюртмачи”га тақдим қиласди.

5.2.6. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни барчасини бажаришни ўз зиммасига олади.

5.2.7. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилган ҳолда бажарилиши юзасидан “Буюртмачи” олдида мулкий жавобгар хисобланади.

5.2.8. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

5.2.9. Ижрочи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилган ҳолда бажаради.

### 5.3. “Буюртмачи”нинг ҳукуқлари:

5.3.1. Ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш;

5.3.3. Шартномада кўрсатилган муддатда лойиҳани топширишни талаб қилиш.

### 5.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

5.4.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда шартноманинг 1-иловасида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун “Ижрочи”га ҳак тўлаш;

5.4.2. Лойиҳадаги хато камчиликларни улар вужудга келган пайтдан ўн кун ичida “Ижрочи”га ёзма равишда маълум қилиш;

## 6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аник муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.2. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом этириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом этириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналлишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилади.

6.3. Ўзаро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да асосли камчилик ва нуксонлар аниқланганда “Ижрочи” уларни бегараз бартараф этади.

### 7. Лойиҳа бўйича муаллифлик ҳукуқлари

7.1. Мазкур шартнома бўйича иш жараёнида ҳосил бўлган лойиҳанинг муаллифлик ҳукуки ва ҳукукий муҳофазаси билан боғлик барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.2. “Ижрочи”нинг хизмат кўрсатиш белгиси мижознинг веб-сайтида жойлаштирилади.

7.3. Лойиҳа “Буюртмачи”га сотиш ва лойиҳани кўпайтириш ҳукуки билан топширилади.

## **8. Тарафларнинг жавобгарлиги**

8.1. “Буюртмачи” лойиҳани қабул килиб олган кундан бошлаб 10 (үн) календар куни мобайнида лойиҳадаги семантик, орфографик ва грамматик хатоларни, носоз гиперхаволалар, юкламаётган расмлар ва бошка хатоликлар мавжудлигини текшириб чикиши ва камчилик ёки хатолик топилган тақдирда “Ижрочи”га хабар бериши лозим.

8.2. “Ижрочи” лойиҳадаги аниқланган хатоликларни ўз ҳисобидан 10 (үн) иш куни мобайнида бартараф этиши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, “Буюртмачи” томонидан берилган маблағни ўз вактида молиялаштирганини ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.4. “Ижрочи” лойиҳани ўз вактида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади.

8.5. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмаганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади. Пеня тўлаш “Ижрочи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

8.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)**

9.1. Агар томонлар мажбуриятни қисман ёки тўла ижро этмай қолиши табий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошка бартараф этиб бўлмайдиган бошка кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай колгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурлади.

9.3. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклиdir.

## **10. Низоларни ҳал этиш тартиби**

10.1. Шартнома тузиш, ижро этиш, ўзгартариш ва бекор қилиш, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар ўзаро муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда бегиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иктисадий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **11. Шартномани ўзгартариш ва унга қўшимчалар киритиши ҳамда бекор қилиш тартиби**

11.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартариш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

11.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан йўл кўйилади.

11.3. “Ижрочи”нинг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг

тутатилиши шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” шартномани бекор қилишга ҳақли.

11.4. “Ижрочи”га боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, “Буюртмачи” лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, “Ижрочи” шартномани бекор қилишга ҳақли.

11.5. Шартномани бекор қилиш ҳакида карорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътиroz билдиримаса шартнома бекор килинган хисобланади.

## 12. Шартноманинг алоҳида шартлари

12.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

12.2. “Ижрочи” лойихани “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш хукукига эга бўлмайди.

12.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий хисобланади.

12.4. “Буюртмачи” билан “Ижрочи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

12.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

12.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”  
“Ижрочи”

### Ёшлар ишлари агентлиги

Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 11-үй

Директор

х/р:

ФИО

МФО:

ИНН:

Директори

«\_\_\_\_\_» 2022 й.

А.З.Саъдуллаев \_\_\_\_\_  
(имзо)

Бош ҳисобчи

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Бош юристконсульти

\_\_\_\_\_  
(имзо)

“\_\_\_\_\_” 2022 й

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
Ёшлар ишлари агентлигининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
№\_\_\_\_ -сонли шартномага  
1-илова

А.З.Саъдуллаев \_\_\_\_\_  
(имзо)

**“КЕЛИШИЛДИ”**

**“Коучинг” видеоматериаллар тайёрлаш бўйича мавзулар  
РЎЙХАТИ**

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
Ёшлар ишлари агентлигининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
№\_\_\_\_ -сонли шартномага  
2-илова

А.З.Саъдуллаев \_\_\_\_\_  
(имзо)

**“КЕЛИШИЛДИ”**

**“Коучинг” видеоматериаллар тайёрлаш  
ГРАФИГИ**

№	Йўниалишлар						
1							
2							
3							
...							